

ШАРТНОМА №01

Самарқанд шаҳри

«28» январь 2022 й

Д.П. «AlNet» кейинги ўринларда "Провайдер" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи директор Эргашев З. З. номидан, бир томондан "Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш Миллий палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий булинмаси кейинги ўринларда "Абонент" деб юритилади, ўзининг Низом асосида раҳбар Иргашева.Н.У. номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Провайдер" "Абонент"га Интернет ва электрон почта учун (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) хизмат кўрсатиш (иловадаги Прейскурантга мувофиқ), "Абонент" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Абонент»нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. "Провайдер"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Провайдер"дан "Хизматлар" "Абонент"нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Провайдер"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;

- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Абонент" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Провайдер"дан талаб қилиш.

2.2. «Абонент»нинг мажбуриятлари:

2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджет ҳисоб рақами доирасида "Провайдер" билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.3. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказгандан сўнг 10 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. «Провайдер» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Абонент"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Абонент"дан талаб қилиш.

2.4. «Провайдер» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Абонент» билан тузган шартномаси Самарқанд шаҳар Ғазначилик бўлими руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш;

2.4.2. "Абонент"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Абонент" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;